

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.20/30.12.2019.S.23.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ИМОМОВА НОЗИМАХОН АВАЗХОНОВНА

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЧИ КУЧИ МИГРАЦИЯСИГА ИЖТИМОЙ
ОМИЛЛАР ТАЪСИРИ**

22.00.02 – Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи

**СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

**Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по социологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)
on sociological sciences**

Имомова Нозимахон Авазхоновна

Ўзбекистонда ишчи кучи миграциясига ижтимоий омиллар
таъсири3

Имомова Нозимахон Авазхоновна

Влияние социальных факторов на миграцию рабочей силы в
Узбекистане.....25

Imomova Nozimaxon Avazxonovna

The impact of social factors on labor migration in Uzbekistan47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works51

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.20/30.12.2019.S.23.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ИМОМОВА НОЗИМАХОН АВАЗХОНОВНА

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЧИ КУЧИ МИГРАЦИЯСИГА ИЖТИМОЙ
ОМИЛЛАР ТАЪСИРИ**

22.00.02 – Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи

**СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/S55 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.dba.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Латипова Нодира Мухтаржановна
социология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Матибаев Тасполат Балтабаевич
социология фанлари доктори, профессор

Раҳимова Нигина Хайруллаевна
иқтисодиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқаруви академияси ҳузуридаги DSc.20/30.12.2019.S.23.02 рақамли Илмий кенгашининг 2021 йил «__» _____ соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 45-уй. Тел.: 0(371) 232-60-47; факс: 0(371)239-17-83, e-mail: info@dba.uz Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси Маъмурий биноси, 11-қават, __ хона).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқаруви академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (№__ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 45-уй. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқаруви академияси Маъмурий биноси, __-қават, __ хона. Тел.: 0(371) 232-60-47; факс: 0(371)239-17-83.

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2021 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси.)

М. Б. Бекмуродов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, социология фанлари доктори, профессор

Ш. М. Содиқова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, социология фанлари доктори, профессор

Ф. Я. Парманов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, социология фанлари доктори

КИРИШ (докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё миқёсида урбанизациялашув, демографик ўсиш, бандлик ва ишчи кучига бўлган талаб, шунингдек, экологик вазиятнинг ёмонлашуви этник можаролар мигрантлар миқдорининг кўпайишига ва миграция кўламининг кенгайишида асосий ролни ўйнамоқда. Халқаро меҳнат ташкилотининг маълумотларга кўра, 2021 йилда сайёрамизда халқаро мигрантлар сони 5 миллионга ошиб, умумий сони 281 миллион кишига етган¹. Бу, ўз навбатида, давлатларнинг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро конвенцияларга риоя этишлишига, мигрантларнинг сиёсий ва ижтимоий мақомларини сақлаб қолишга, уларнинг меҳнатга оид ҳуқуқлари қай даражада ҳимоя қилинаётганига ва ишчи кучига бўлган талабни легал тартибга солиш билан узвий боғлиқ бўлади.

Жаҳонда миграция жараёнларига оид олиб борилган тадқиқотларда, жумладан, миграция жараёнларини инсонпарварлаштириш ва тартибга солишга кўмаклашиш, миграция менежментини ташкил этишнинг уч томонлама ёндашуви ва миграция сиёсатини ишлаб чиқишда ҳамкорлик қилиш, ишчи кучи миграциясининг кўп томонлама асосларини ишлаб чиқиш, халқаро миграцияни инсон ҳуқуқларига асосланган бошқарувини такомиллаштириш, ишчи кучи миграциясига ижтимоий омилларнинг таъсири натижасида келиб чиқадиган турли салбий оқибатларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш, мигрантларни давлат томонидан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш заруратини илгари сурмоқда.

Мамлакатимизда меҳнат қобилиятига эга фуқароларни ишсизликдан ҳимоя қилиш, янги иш ўринларини яратиш, янги касбларга қайта тайёрлаш, оилавий ва хусусий тадиркорликка кенг йўл очиб бериш, аҳоли бандлигини таъминлаш, меҳнат шароитларини яхшилаш, меҳнатга муносиб ҳақ тўлаш, масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Мамлакатимизда ҳар йили 600-700 минг аҳоли меҳнат бозорига кириб келади. Қарийб 200 минг кишининг бандлигини ташқи меҳнат миграцияси орқали таъминлашга тўғри келмоқда. Қаерда меҳнат миграцияси тўғри ташкил этилган бўлса, бандлик, оилалар даромади, малакали мутахассислар кўпайган»². Ишчи кучи миграцияси соҳасида хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш, хорижда ишлаётган фуқароларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун алоҳида жамғарма ташкил этиш, хориждаги меҳнат миграциясига оид тартиб-қоидаларни соддалаштириш, чет элларда ишлаётган фуқароларнинг меҳнат стажини ҳисобга олиш ва меҳнат миграциясининг ташкилий жараёнларини такомиллаштиришга кўмаклашадиган комплекс илмий изланишларни амалга ошириш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

¹ Халқаро меҳнат ташкилотининг статистик маълумоти. https://www.ilo.org/moscow/news/WCMS_809365/lang-ru/index.htm

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 августда Хорижда меҳнат қилаётган фуқароларни қўллаб-қувватлаш масалалари муҳокамасига бағишланган видеослектор йиғилишидаги маърузаси. <https://president.uz/uz/lists/view/3780>

Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони, 2018 йил 5 мартдаги ПҚ-3584-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун республика ташқарисига транспортда чиқиш вақтида хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 5 июлдаги ПҚ-3839-сон «Ўзбекистон Республикасининг ташқи меҳнат миграцияси тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 15 сентябрдаги ПҚ-4829-сон «Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш»нинг устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ишчи кучининг миграцион ҳаракатларини ўрганиш, мазкур жараёнларнинг мамлакат ижтимоий ҳаётига таъсирини ўрганиш ва унинг самарадорлигини янада ошириш имкониятлари юзасидан турли фан намоёндалари томонидан тадқиқотлар амалга оширилган. Шарқ мутафаккирларидан Абу Наср Форобийнинг асарларида ва жамият ҳақидаги қарашларида ишчи кучи миграциясининг ўша давр учун ҳам долзарб муаммолардан бир бўлганлигини кўриш мумкин. Жумладан, Абу Наср Форобий асарларида жамият муаммоси фалсафий таҳлил қилинган. У Платон ва Аристотель асарларига таяниб, жамиятнинг келиб чиқиши асосида табиий эҳтиёжларни қондириш ётади³, деган назарияни илгари сурган. Табиий эҳтиёж кишиларни бирлашишга, жамоага уюшувига, ўзаро ёрдамга олиб келган, деган фикр келтирилган бўлса, Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асарида Алишер Навоий ҳақидаги фикрларида «ихрож» сўзи келтирилган⁴. Айнан «ихрож» сўзи ўз мамлакатидан бошқа мамлакатга мажбуран ишлаш ва яшаш учун кетган шахсларга қўлланилган илк иборадир. Алишер Навоийнинг 1482 йилда ёзилган «Вақфия» асарида 1468 йилнинг охирида Ҳирот тахтини эгаллаган Султон Хусайн Бойқаро фармон юбориб, Алишер Навоийни Самарқанддан чақиртириб олгунга қадар ихрожда яшаганлиги ҳақидаги маълумотлар келтирилган⁵.

Мамлакатимиз олимларидан М.Бекмуродов олиб борган тадқиқотида уюшмаган ёшлар учун кафолатланган бандликни таъминлаш, уларни бунёдкорлик ишларига фаол жалб этиш масалалари илмий таҳлил қилинган ва ўрганилган⁶. М.Ганиеванинг тадқиқотларида мигрантлар, диаспоралар ва

³ Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент, 2016. – Б. 230.

⁴ Bobur Z.M. Boburnoma. – Toshkent: O'qituvchi NMIU, 2018. – Б. 514.

⁵ Навоий Алишер. Вақфия. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. – Т.: Фан, 1998. 14-жилд. – Б. 231-270.

⁶ Бекмуродов М.Б. Ҳаракатлар стратегияси: жадал ижтимоий психологик тараққиёт ва янгиланиш модели // “Психология” илмий журнали. – Тошкент, 2017. – № 2. – Б. 2-12.

меҳнат миграцияси жараёнларининг тартибга солинмаслиги жамиятда ижтимоий муаммоларни келтириб чиқариши мумкинлиги илмий асосланган⁷. Ф.Парманов⁸ миграция жараёнларининг авж олиши натижасида ижтимоий-гуманитар фанлар тармоғида «Мигрант психологияси» илмий атамаси шаклланганлигини ўз тадқиқотларида назарий асослаган. Шунингдек, мамлакатимиздаги социолог олимлар А.Умаров, А.Холбеков, Р.Убайдуллаева, Н.Алиқориев, Т.Матибаев, Ш.Содиқова, А.Сеитов, О.Абдуазимов, Н.Латипова ва Б.Фарфиев⁹лар томонидан олиб борилган тадқиқотларда ишчи кучи миграциясининг келиб чиқиши, шарт-шароитлари ва ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш билан боғлиқ муайян илмий ишлар амалга оширилган.

Хорижлик олимлар, хусусан, М.Вебер, Э.Дюркгейм, Ф.Знанецкий, П.Сорокин, Т.Парсонс, Н.Эллиас¹⁰нинг ишларида меҳнат миграцияси мамлакатларнинг иқтисодий ўсиши ва жамиятлараро интеграциялашув жараёнларининг давомийлигини таъминловчи куч сифатида ёндашилган ва бу ёндашув К.Леви-Стросс, Э.Тоффлерлар томонидан меҳнатга бўлган талаб ва таклиф модели билан исботланган, ташқи ва ички меҳнат миграцияси қиёсий таҳлил қилиниб, ижтимоий натижалари, хорижий тилларни билиш даражаси ва касбий тайёргарликнинг бу жараёндаги ўрни аниқланиб, бундай ижтимоий жараёнларнинг жамиятнинг бир бутунлигига ва социал стратификацияга таъсири методологик асосланган. Шунингдек, МДҲ мамлакатлари олимлари А.Агабекян, Г.Авагян, В.Адамчук, Л.Дегтярь, В.Костаков, А.Попов, Л.Костин, И.В.Митрофанова, А.Дементьева, А.Понкратова, В.Плакся, Ю.Попов,

⁷ Ганиева М. Диаспоры как стратегия межкультурного взаимодействия // Самарқанд давлат университети илмий тадқиқотлар Ахборотномаси. – Самарқанд: СамДУ кичик босмохонаси, 2006. – № 6. – Б. 9-14.

⁸ Парманов Ф.Я. Миграция жараёнларини бошқаришда инсон омили. Социология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2012.

⁹ Умаров А.О. Ижтимоий-маданий тараққиётни таъминлаш ва комил инсон шахсини шакллантиришда мутолаанинг роли. Соц. фан. докт. илмий дар-ни олиш учун тайё. дисс. – Тошкент: УзМУ, 2005; Холбеков А.Ж. Шарқ ва ғарб мутафаккирларининг социологик таълимоти. – Тошкент: Университет, 1996. – Б. 25; Убайдуллаева Р.А., Атамирзаев А.Б. Молодежь независимого Узбекистана. – Ташкент: Центр «Ижтимоий фикр», 2010. – С. 146; Убайдуллаева Р.А., Атамирзаев А.Б. Ўзбекистон ёшлари: ижтимоий қиёфа. – Тошкент: «Ижтимоий фикр», ЎЗР ФА Иқтисод институти, 2008; Алиқориев Н.С. Общая социология. – Ташкент, 1999. – С. 35-40; Матибаев Т.Б. Давлат ва фуқаролик жамияти ҳамкорлигининг ривожланишида социологиянинг тутган ўрни // «Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар» мавзусидаги конференция материаллари. – Тошкент, 2020. – № 17. – Б. 9-13; Содиқова Ш.М. Ўзгаришлар социологияси. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Akademiya, 2019; Сеитов А.П. Социологическое видение восточной цивилизации: генезис и дальнейшие перспективы. Монография. – Ташкент: Издательство Национальной библиотеки Узбекистана имени Алишера Навои, 2019. – С. 183; Абдуазимов О.У. Роль средств массовой информации в формировании общественного мнения (на примере Республики Узбекистан) // Вестник Поволжского института управления. – Россия, 2015. – № 4 (49) – С. 45-50; Фарфиев Б.А. Ўзбекистонда ижтимоий тараққиётда ислом рационализи омили. Монография. – Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2019. – Б. 217.

¹⁰ Вебер М. Избранные произведения. – М.: Прогресс, 1990. – С. 802; Дюркгейм Э. О разделении общественного труда. Метод социологии. – М.: Наука, 1991. – С. 572; Thomas W., Znaniecki F. The Polish Peasant in Europe and America. Vol. 1. Second edition. – N.Y., 1927. – P. 1150; Сорокин П. Человек. Цивилизация. Общество. – М.: Изд-во «Политической литературы», 1992. – С. 542; Парсонс Т. Система современных обществ. – М.: «Аспект Пресс», 1998. – С. 266; Эллиас Н. О процессе цивилизации. Кн. в 2-х томах. – М.: СПб: Университетская книга; Леви-Стросс К. Структурная антропология. – М.: «Академический проект», 2008. – С. 554, Тоффлер Э. Третья волна. – М.: «АСТ», 1999. – С. 776.

А.Рофе¹¹ ва бошқалар томонидан ишчи кучи миграциясининг ўзига хос хусусиятлари, келиб чиқиш шарт-шароитлари, муаммолари туркумланган ва таърифланган.

Мамлакатимизда олиб борилган тадқиқотларда янги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш босқичида меҳнат миграцияси билан боғлиқ муаммолар тизимли тадқиқ этилган бўлсада, ишчи кучи миграциясининг ҳолати, уни такомиллаштириш механизмлари борасида илмий тадқиқот ишлари етарли даражада ўрганилмаган. Тадқиқот предмети доирасига ишчи кучи манбалари, ишчи кучи миграциясининг ҳаракатлантирувчи кучлари, бу жараённинг яқин ва ўрта истикболдаги ҳолати, ўзгариш тенденцияларини тадқиқ этиш орқали тизимли ёндашув заруратини ҳам юзага келтиради. Бу зарурат бизни ишчи кучи миграциясига таъсир этувчи ижтимоий омилларни тадқиқот предмети сифатида махсус ўрганишга ундади.

Диссертация мавзусининг олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университетининг илмий тадқиқот ишлари режасининг 2018-2020 йилларга мўлжалланган «Олий ва ўрта махсус таълим тизимини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва прогнозлаштиришнинг услубий асосларини ишлаб чиқиш ва комплекс дастурини яратиш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ишчи кучи миграциясига ижтимоий омиллар таъсирини аниқлаш ва Ўзбекистонда миграция жараёнини тартибга солиш йўллари социологик асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ишчи кучи миграцияси вужудга келишининг асосий омиллари ва шарт-шароитларини тавсифлаш;

ишчи кучи миграциясига урбанизация жараёнлари интенсивлигини ва аҳоли турмуш даражасига таъсири имкониятларини аниқлаш;

ишчи кучи миграцияси жараёнларида ижтимоий-маданий омиллар таъсирининг ҳудудий хусусиятлари ва мезонларини ишлаб чиқиш;

ишчи кучи миграциясини тартибга солишда давлат сиёсатининг амалга оширилиши ва унинг асосий кўринишларини очиқ бериш;

Ўзбекистонда ишчи кучи миграцияси жараёнларини тартибга солишдаги муаммоларни таснифлаш;

жамият ижтимоий мобиллиги ва ишчи кучи миграциясининг социо-маданий ўзгаришлар тенденциялари ва параметрларини прогнозлаштириш;

ишчи кучи миграциясига оид давлат ижтимоий-демографик сиёсатини

¹¹ Агабекян Р.Л., Авагян Г.Л. Современные теории занятости. 2-е, перераб., доп. изд. – М.: Юнити-Дана, 2004. – С. 190; Адамчук В.В. Экономика и социология труда. – М.: Юнити-Дана, 2001. – С. 407; Дегтярь Л.С. Трудовой потенциал общества и социальная политика: из опыта европейских стран-членов СЭВ. – М.: 1994; Костаков В., Попов А. Интенсификация использования трудового потенциала. – М., 1992, – С. 61; Митрофанова И.В., Демидова А.С. Критерии типологизации регионов // Экономика развития региона: проблемы, поиски, перспективы. Выпуск 12. – Волгоград: Изд-во ВолГУ, 2011. – С. 170-177; Панкратова А.С. Социология труда. – М.: Инфра-М, 2004. – С. 161, Плакся В.И. Безработица: теория и современная Российская практика (социально-экономический аспект). – М.: РАГС, 2004. – С. 384, Попов Ю.Н., Шевчук А.В. Введение в социологию труда и занятости. – М.: Дело, 2005, Рофе А.И. Экономика и социология труда. – М.: Институт экономики и права, 2003. – С. 366.

таъминлайдиган назарий хулосалар, амалий таклифлар ва методологик тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистонда ишчи кучи миграциясига ижтимоий омилларнинг таъсир этиш жараёнлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметини ишчи кучи миграциясига таъсир кўрсатувчи ижтимоий омилларни институционал тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда кузатиш, анкета, интервью, эксперт сўрови, социологик-статистик маълумотларни таҳлил қилиш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ишчи кучи миграцияси билан боғлиқ объектив ва субъектив омилларнинг ижтимоий жараёнларга таъсир кўрсатишининг ҳудудий хусусиятлари тадқиқ этилиб, юзага келувчи позитив ва негатив ҳолатларни превентив мониторинг қилишда иқлим шароити, касбий салоҳиятни ҳисобга олиш, ижтимоий ҳимояланганлик каби мезонлар ишлаб чиқилган;

миграцион мобилликка тўртки берувчи мотивациялар ҳамда ишчи кучи миграциясидаги интеллект кўчиши («brain drain») мутлақ ва нисбий кўрсаткичлари ўртасидаги корелляция боғлиқлик аниқланган;

ишчи кучи миграциясининг ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий ва демографик ҳолатга ҳамда аҳолининг социомаданий ривожланиш даражасига жамият ижтимоий эътиборини мақсадли йўналтирилиши асосланган;

ишчи кучи миграцияси жараёнларидаги горизонтал (соҳалараро интеграциялашув) ва вертикал (давлат томонидан яратиладиган қулай ҳуқуқий кафолатлар, институтлашув ҳамда мақбул иқтисодий шарт-шароитлар) омилларини социал мобиллик орқали оптималлаштиришда ички миграцион фаолликни ошириш имкониятлари прогнозлаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ҳудудларда саноатни ривожлантириш ва иш ўринларини кўпайтириш орқали ишчи кучи эмиграциясини қисқартириш мумкинлиги асослаб берилган;

олий маълумотли мутахассислар ва олимларнинг хорижий мамлакатларга ишчи кучи миграциясини амалга оширишларини қисқартиришнинг асосий воситаси сифатида юқори иш ҳақи ва ўз ватанида туриб хорижий мамлакатларда масофадан ишлаш имконини беришнинг устувор жиҳатлари асослаб берилган;

Ўзбекистон фуқароларининг ноқонуний миграциясини олдини олиш ва мамлакат фуқароларининг хориждаги ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида бошқа давлатлар билан миграция бўйича келишув ва битимларнинг имзоланиши лозимлиги асослаб берилган;

миграция таъсирига тушиб қолган болалар билан ишлаш марказларини ташкил этиш зарурати асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, фойдаланилган маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, ўтказилган социологик

сўровноманинг анкета, интервью ва эксперт сўров шаклларига асослангани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, унда келтирилган таклиф, тавсия ва хулосалардан «Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги» ҳамда уларнинг қуйи бўғин ташкилотлари, шунингдек, маҳаллий ҳокимият органлари томонидан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш, меҳнат бозорини тартибга солиш ва ривожлантириш, аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринлари яратиш каби ҳудудий дастурларни шакллантиришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти диссертация иши материалларидан олий ўқув юртларида «Социология», «Миграция социологияси», «Меҳнат социологияси», «Антропология» фанлари бўйича ўқув дастурларини такомиллаштириш, дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар тайёрлаш ҳамда ўқитишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жамиятни модернизациялаш шароитида ёшларнинг социал мобиллигини такомиллаштириш механизмлари бўйича тадқиқот натижаларидан:

ишчи кучи миграцияси билан боғлиқ объектив ва субъектив омилларнинг ижтимоий жараёнларга таъсир кўрсатишининг ҳудудий хусусиятлари тадқиқ этилиб, юзага келувчи позитив ва негатив ҳолатларни превентив мониторинг қилишда иқлим шароити, касбий салоҳиятни эътиборга олиш, ижтимоий ҳимояланганлик каби мезонлари ишлаб чиқилганлигига оид хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 августдаги ПФ-5785-сон «Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва уларнинг оила аъзоларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чоралари тўғрисида»ги фармони лойиҳасидаги миграция жараёнини ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилишга тааллуқли 2-илова 4 хатбошини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг 2021 йил 13 августдаги 02/00-04/22-6622-сон маълумотномаси). Натижада ишчи кучи миграциясига урбанизация жараёнлари интенсифлигини ва аҳоли турмуш даражасига таъсири имкониятларини аниқлашга хизмат қилган;

миграцион мобилликка туртки берувчи мотивациялар ҳамда ишчи кучи миграциясидаги интеллект кўчиши («brain drain») мутлақ ва нисбий кўрсаткичлари ўртасидаги корелляция боғлиқлик аниқланганлигига оид таклифлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 августдаги ПФ-5785-сон «Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва уларнинг оила аъзоларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чоралари тўғрисида»ги фармонининг 2-илова 5 хатбоши лойиҳасини тайёрлашда

фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг 2021 йил 13 августдаги 02/00-04/22-6622-сон маълумотномаси). Бу Ўзбекистонда ишчи кучи миграцияси жараёнларини тартибга солишдаги муаммолар таснифини ишлаб чиқиш имконини берган;

ишчи кучи миграциясининг ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий ва демографик ҳолатга ҳамда аҳолининг социомаданий ривожланиш даражасига жамият ижтимоий эътиборини мақсадли йўналтирилиши асосланганлигига оид таклифидан «Ижтимоий фикр» Республика жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази томонидан «Миграция жараёнлари жамоатчилик фикри кўзгусида» мавзусида ўтказилган социологик сўровномани ишлаб чиқишда фойдаланилган («Ижтимоий фикр» республика жамоатчилик фикрини ўрганиш Марказининг 2021 йил 16 августдаги 01-16/238-сон маълумотномаси). Бу миграцияга йўналишига оид сўровномани ишчи кучи миграциясининг жамият социомаданий даражасига таъсири нуқтаи назаридан тартибланиш имконини берган;

ишчи кучи миграцияси жараёнларидаги горизонтал (соҳалараро интеграциялашув) ва вертикал (давлат томонидан яратиладиган қулай ҳуқуқий кафолатлар, институтлашув ҳамда мақбул иқтисодий шарт-шароитлар) омилларини социал мобиллик орқали оптималлаштиришда ички миграцион фаолликни ошириш имкониятлари прогнозлаштирилганлигига оид таклифларидан Республика «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан тайёрланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 февралдаги «Социологик тадқиқотларни ўтказишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5667-сон Фармонининг 2 бандининг 3 хатбоши «Ижтимоий соҳада аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришга, унинг бандлигини таъминлашга, реал даромадларни ошириш чора-тадбирларини бажаришга йўналтирилган ислоҳатлар» ҳамда социал мобиллик, миграцион жараёнларнинг кўп ўлчамли парадигмалари таҳлилига оид илмий изланишларни кучайтириш, унинг замонавий тенденциялари динамикасини аниқлаш имконини берган («Ижтимоий фикр» республика жамоатчилик фикрини ўрганиш Марказининг 2021 йил 16 августдаги 01-16/238-сон маълумотномаси). Шунингдек, ишчи кучи миграциясининг жамият ижтимоий-иқтисодий ва демографик структураси ҳамда социомаданий даражасига таъсири нуқтаи назаридан уни мақсадли тартибланиш механизми ташкил қилиниши асосланганлигига оид таклифлардан Республика «Ижтимоий фикр» жамоатчилик марказининг 2019 йил режа асосида «Миграция жараёнлари жамоатчилик фикри кўзгусида» мавзусига бағишланган социологик сўровномани ишлаб чиқишда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 4 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий

аттестация комиссияси докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этган илмий нашрларда 8 та мақола, (шундан 5 таси республика ва 3 таси хорижий журналда) илмий-амалий конференция тўпламларида 6 та мақола (шундан 2 таси хорижда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, тўққизта параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертацион тадқиқотнинг асосий матни 140 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ишчи кучи миграцияси жараёнларини ўрганишнинг назарий-методологик жиҳатлари**» деб номланган биринчи бобида ишчи кучи миграцияси тушунчаси, унинг ижтимоий-иқтисодий мазмуни ва уларни ўрганишнинг илмий-назарий асослари, ишчи кучи миграцияси вужудга келишининг асосий омиллари ва шарт-шароитлари, ҳаракатчанлик омили ва аҳоли миграцияси, хорижий мамлакатларда ишчи кучи миграцияси, унинг асосий йўналишлари ва муаммолари ўрганилган.

Тадқиқот ишида «иммиграция», «эмиграция» ва «ремиграция» тушунчаларининг тавсифи, улар ўртасидаги фарқ, миграция сальдоси хусусиятлари келтирилган.

Бу борада тадқиқотда миграция жараёнининг моҳияти тўрт босқичли моделда умумлаштирилган:

1-босқич: ёш ишчиларнинг вақтинчалик меҳнат миграцияси, пул ўтказмалари ва уйга йўналтириш;

2-босқич: қариндошлик ёки келиб чиқишнинг умумий ҳудуди, янги шароитларда ўзаро ёрдам зарурлигига асосланган ҳолда ижтимоий тармоқларнинг яшаш муддати ва ривожланишининг кенгайиши;

3-босқич: оилани бирлаштириш, узоқ муддатли яшаш ва қабул қилувчи мамлакатга йўналиш, ўз муассасаларига (уюшмалар, дўконлар, кафелар ва бошқалар) эга бўлган этник жамоаларнинг пайдо бўлиши;

4-босқич: ҳукумат сиёсати ва қабул қилувчи мамлакат аҳолисининг хатти-ҳаракатларига қараб, ҳуқуқий мақомга ва охир-оқибат фуқароликка ёки сиёсий изоляцияга, ижтимоий-иқтисодий маргиналлашувга ва доимий этник озчиликларнинг шаклланишига олиб келадиган доимий келишув.

Тақдим этилган модел миграция жараёнини ҳамда малакали кадрлар оқимининг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилиш имконини беради.

Маълумки, сўнгги ярим аср мобайнида катта иқтисодий кўрсаткичларга эришган Туркия, Хитой, Ҳиндистон, Филиппин ва ҳатто индустриал

ривожланган Японияда ҳам миграцион жараёнлар ва унда иштирок этган фуқароларнинг инсоний кечинмалари социологиясини изчил илмий ўрганиш орқали катта ютуқлар қўлга киритилган. Уларнинг тажрибаларидан бугунги кунда ривожланиб бораётган бошқа мамлакатлар ҳам унумли фойдаланмоқда. Миграция жараёнининг ҳозирги босқичи олдингиларидан кўлами, географик хусусиятлари, трансформациялашуви ва интеграциялашуви жиҳатдан динамик кўрсаткичлари, ижтимоий-демографик таркиби билан фарқланиб туради. Миграция оқимларининг йўналиши дунё миқёсида ўзгариб бормоқда. Жумладан, Ўзбекистон фуқароларининг миграцияси узоқ хорижга ҳам (АҚШ, Европа, Араб мамлакатлари, асосан, БАА, Миср, Баҳрайн, Қувайт, Саудия Арабистони, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари, Жанубий Корея, Таиланд, Малайзия), яқин хорижга ҳам (масалан, Қозоғистон) амалга оширилмоқда. Бугун дунёда миграцияда иштирок этаётганларнинг сони кескин ошиб бораётганини кузатиш натижасида, яқин келажакда уларнинг сони янада ортиши хорижий социологик ва иқтисодий тадқиқотларда башорат қилинган. Миграция кўлами кенгайишига камбағаллик, ишсизлик, инсон ҳуқуқларининг поймол қилиниши, келажакка нисбатан умидсизлик ва тушкунликка тушиш, турли хил низолар, урушлар туфайли нотинчлик, қўрқув каби омиллар сабаб бўлмоқда.

Шунингдек, ишчи кучи миграциясининг мамлакатимиз ҳудудларидаги ижтимоий-иқтисодий ва демографик ҳолатига ҳамда аҳолининг социомаданий ривожланиш даражасига жамият ижтимоий эътиборини мақсадли йўналтирилишига асосланганлиги билан изоҳланади.

Юқорида келтирилган модел орқали таҳлил қилинганда, ҳар қандай миграция ҳаракати моҳият эътиборига кўра, оила институти мазмунини ўзлаштириши ва этник жамоаларнинг шаклланишига олиб келадиган миграция тармоқларини яратиши мумкинлиги асосланган.

Миграцион жараёнларни таҳлил этишда унинг муҳим муаммолари мавжудлигини ҳам инобатга олиш зарур. Хусусан, аксарият ҳолларда мигрантлар эксплуатация қилиниб, уларнинг ҳуқуқлари поймол этилади. Мигрантларнинг жойлашган мамлакатлари маданияти ва турмуш тарзига мослашуви, интеграциялашуви қийин кечади. Уларни қабул қилаётган давлатлар туб аҳолисини иш жойларидан маҳрум этади. Бу эса, ўз навбатида, маҳаллий аҳолининг мигрантларга нисбатан салбий муносабатини шакллантиради. Ушбу ва бошқа кўплаб сабабларга кўра, миграция муаммосини ҳар томонлама, шу жумладан, сиёсий-социологик жиҳатдан ўрганиш талаб қилинади.

Тадқиқотнинг «**Ўзбекистонда ишчи кучи миграцияси жараёнлари таҳлили**» номли иккинчи бобида Фарғона вилоятида ишчи кучи миграцияси вужудга келишининг минтақавий, демографик ва социал хусусиятлари, мамлакатда ишчи кучининг миграцион ҳаракатларининг ҳолати ва унинг турлари акс эттирилган. Шунингдек, ишчи кучи миграцияси жараёнларининг ижтимоий оқибатлари таҳлили ва юзага келувчи позитив ҳамда негатив ҳолатларни превентив мониторинг қилишда иқлим шароити, касбий салоҳияти каби мезонлар ёритилган.

Миграция – бу табиий ва илмий-амалий тадқиқотларни талаб этадиган, замонавий глобаллашув даврида мураккаб кўриниш акс этиб бораётган жараёнлардан бири ҳисобланади.

Мамлакатлар ривожланиш даражасидан қатъий назар, ушбу жараёнларга алоқадор. Шу жумладан, доимий аҳолиси 34 191,7 минг кишини¹² ташкил этаётган Ўзбекистон ҳам ушбу жараёнларда фаол иштирок этаётган давлатлардан биридир.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида 2020 йилда меҳнат мигрантлари сони¹³

№	Худуд	Кўчиб келганлар сони	Кўчиб кетганлар сони	Миграция сальдоси
	Жами	191086	203629	-12543
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	7778	12517	-4739
Вилоятлар:				
2.	Андижон	5477	10684	-5207
3.	Бухоро	4873	13209	-8336
4.	Жиззах	7583	11224	-3641
5.	Қашқадарё	9425	30869	-21444
6.	Навоий	8250	10569	-2319
7.	Наманган	3584	8170	-4586
8.	Самарқанд	5142	17785	-12643
9.	Сирдарё	8456	19518	-11062
10.	Сурхандарё	7094	9526	-2432
11.	Тошкент вил.	30791	26518	4273
12.	Фарғона	9675	16243	-6568
13.	Хоразм	4987	10467	-5480
14.	Тошкент шаҳри	77971	6330	71641

Мамлакат миқёсида ҳудудлар бўйича ҳисобланганда, мигрантлар сони бўйича энг юқори ўринларда Сирдарё, Самарқанд ҳамда Фарғона вилоятлари эканини кўриш мумкин.

Ҳудудлардаги мигрантлар сонининг юқорилиги бир неча омилларга боғлиқ. Жумладан:

- ҳудудлардаги ишсизлик даражасининг ҳажмига;
- қўшни республикаларда қариндошлари бўлган фуқаролар сонига;
- хорижий мамлакатларда ўқиш истагини билдирган ёшлар сонига.

2017-2019 йилларда аҳолининг бандлик ва ишсизлик даражасини таҳлил қилганда, юқори бандлик даражаси Тошкент шаҳридан кейин Тошкент, Андижон ва Навоий вилоятларида, нисбатан паст бандлик кўрсаткичи Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Наманган, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида кузатилганини кўриш мумкин. Ишсизлик даражаси бўйича юқори ишсизлик даражаси 9,3 фоиз билан Фарғона, Сурхондарё, Сирдарё, Самарқанд вилоятларида кузатилган.

¹² <http://xs.uz/uzkr/post/ozbekistonda-shahar-va-qishloq-aholisi-qanchaga-osgani-malum-qilindi>

¹³ Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумоти. – Тошкент, 2020.

Ўзбекистон Республикасида 2020 йилда бандлик ва ишсизлик даражаси маълумоти сони¹⁴

	Худуд	2019 йил		2020 йил	
		Банд аҳоли	Ишсиз аҳоли	Ишсиз аҳоли	Банд аҳоли
	Жами	68,3	9,0	10,5	66,1
1	Қорақалпоғистон Республикаси	63,0	9,1	10,5	61,3
	Вилоятлар:				
2	Андижон	70,2	9,2	10,9	67,1
3	Бухоро	69,3	8,9	10,6	67,8
4	Жиззах	67,2	9,2	11,0	66,0
5	Қашқадарё	64,1	9,3	11,1	61,5
6	Навоий	69,5	8,5	9,4	67,6
7	Наманган	66,5	9,1	10,6	64,4
8	Самарқанд	65,4	9,3	11,0	62,8
9	Сирдарё	67,2	9,3	11,1	63,6
10	Сурхандарё	69,0	9,3	11,0	65,0
11	Тошкент вил.	71,5	8,9	10,5	69,0
12	Фарғона	67,6	9,3	10,9	64,6
13	Хоразм	66,2	9,1	10,9	63,5
14	Тошкент шаҳри	80,5	7,4	8,0	83,2

2020 йилнинг январь-декабрь ойларида Ўзбекистоннинг иқтисодий фаол аҳолиси орасида ишсизлик даражаси 10,5 %ни ташкил этган. 2019 йилнинг биринчи ярмида эса 9,1 % кўрсаткич қайд этилган эди.

COVID-19 пандемияси даврида коронавирус инфекцияси тарқалишини олдини олишга қаратилган карантин чора-тадбирлари меҳнат бозорига сезиларли даражада таъсир кўрсатди. Ишга муҳтож бўлганлар сони 1,94 млн кишини ташкил этди. 16-30 ёшдаги ишсизлик даражаси 20,1 фоизга, аёллар орасида 17,4 фоизга етди.

Дастлабки маълумотларга кўра, меҳнат ресурслари сони 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 0,6 фоизга кўпайди ва 19 млн. кишини ташкил этди. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига COVID-19 нинг салбий таъсири сабабли иш билан банд бўлганлар сони 5 фоизга камайиб, 12,7 млн кишини ташкил қилди. Чет элга ишлашга кетган фуқаролар сони 2 миллион кишини ташкил этди. Бу ўтган йилнинг биринчи ярмига нисбатан 553,2 минг кишига ва 2020 йилнинг биринчи чорагига нисбатан 232 минг кишига кам¹⁵.

2020 йилнинг январь-декабрь ойларида хорижий мамлакатларга кўчиб кетганлар сони республика бўйича 203 629 нафарни ташкил этди. Худудлар бўйича энг кўп кетганлар сони Сурхондарё (19518), Самарқанд (17785), ҳамда Фарғона (16243), Тошкент шаҳри (6330) хиссасига тўғри келади. Бу ҳақда Давлат статистика қўмитаси хабар бермоқда.

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумоти. – Тошкент, 2020.

¹⁵ Ўзбекистонда ишсизлик даражаси 13,2 фоизни ташкил қилди. <https://www.gazeta.uz/uz/2020/08/03/ishsizlik/>

Бухоро (13209), Андижон ва Хоразм (10684), Сирдарё (9526), вилоятларидан нисбатан кам одам кўчиб кетган.

Ўзбекистондан фуқаролар Қозоғистон (5540), Россия (3474), Исроил (54), Қирғизистон (56), Тожикистон (36) ва бошқа давлатларга (240) кўчиб кетган.

Чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг асосий сафар мақсади қариндошларни бориб кўриш – 57,6 %. Кейинги ўринда эса сайёҳлик мақсадида – 2,9 %, ўқиш мақсадида – 0,8 %, даволаниш, хизмат юзасидан – 0,4 %ни ташкил этади¹⁶.

Тадқиқотчи томонидан Ўзбекистонда халқаро ишчи кучи миграциясининг мустақилликдан кейин ривожланиш даври бир неча босқичларга ажратилган. Жумладан:

1-босқич. 1991-1999 йиллардаги ишчи кучи миграцияси. Ушбу даврнинг илк йилларида рус, яҳудий, тожик, ўзбек миллатига мансуб фуқароларнинг хориж томон интилиш даври. Ушбу давр кўплаб юқори малакали муҳандис, шифокор ва бошқа тор мутахассислик эгаларининг АҚШ, Исроил, Россия сингари мамлакатларга кетиши кузатилса, кейинроқ Ўзбекистонга Афғонистон ҳамда Тожикистондаги сиёсий вазият туфайли ўзбек, афғон ҳамда тожик миллатига мансуб фуқароларнинг кириб келиши ҳамда Ўзбекистон иқтисодиётидаги илк ривожланиш босқичидаги инқирозлар сабабли кўплаб Ўзбекистон фуқароларининг мажбуран хорижга тирикчилик туфайли кетиши билан муҳим аҳамиятга эга бўлган.

2-босқич. Бу давр 2000-2015 йилларни ўз ичига олиб, жумладан, 2001 йилда Россияда ўзбекистонлик меҳнат муҳожирлари сони бўйича иккинчи ўринни эгаллади. Ватандошларимиз йилига ўртача 4 млрд. АҚШ доллари миқдорида пул маблағлари юбориб, Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим бир бўлаги бўлиб шаклланди. Кўрсаткич йил сайин ортиб бориб, 2003 йилда Россияда жами Ўзбекистонлик мигрантлар сони расман 1 млн.га яқин рақамларни кўрсатган бўлса, норасмий рақамларга кўра, 3 млн.га яқинлашганди. 2011-2013 йилда жами мигрантлар сони 2,3 млн.га етган, бу эса мамлакат фуқароларининг аксарияти айнан иш излаб мамлакатни тарк этиши билан белгиланади.

3-босқич 2016 йилдан ҳозирга қадар бўлган даврни ўз ичига олиб, яъни «Янги Ўзбекистон»да демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланиши билан изоҳланади. Жумладан, 2017 йилда Ўзбекистонда меҳнат миграцияси муаммосига эътибор қаратила бошланиб, бунда мамлакат фуқароларини чет элга вақтинча ишлаш учун Миграция агентлиги орқали қонуний йўл билан Россияга ишлашга расман юборила бошланди. Энди олдинги йилдаги мигрантлар билан ҳозирги янги давр мигрантлари тубдан фарқ қилади. Уларни ҳар томонлама ҳуқуқий, маънавий манфаатлари ҳимоя қилиниши билан бирга, инсонлар мақсад ва истаклари фарқлана бошлади. Бугун мигрантларни хоҳишлари ҳам ўзгарди, улар

¹⁶ 2018 йилда чет элга кетган ўзбекистонликлар сони кескин ошди. <https://kun.uz/news/2019/01/30/2018-yilda-chet-elga-ketgan-ozbekistonliklar-soni-keskin-oshdi>

мамлакатга янги технологияларни олиб келиш, янги ғоялар ва техникага эга бўлиш билан бир қаторда кўпчилик ёшларга давлатимиз томонидан берилаётган имкониятлар туфайли фуқароларнинг узоқ ва яқин хориж мамлакатларига ўқиш, ишлаш мақсадида доимий ва вақтинчалик миграцияни амалга ошириши билан асосланган.

Шунингдек, диссертацияда Ўзбекистон Республикаси ҳам халқаро ишчи кучи миграциясидаги донор мамлакат сифатида иштирокининг ижобий ва салбий жиҳатлари келтирилган.

Ўзбекистоннинг донор мамлакат сифатидаги миграцион мобилликка туртки берувчи мотивациялар ҳамда ишчи кучи миграциясидаги салбий жиҳатлари сифатида қуйидагилар келтирилган:

хорижий мамлакатларга олий маълумотли шифокор ва муҳандисларнинг, дастурчи ҳамда иқтисодчиларнинг меҳнат миграциясини амалга ошириши, интеллект кўчиши («brain drain») жараёнларига, яъни мамлакат зиёлиларининг четга чиқиб кетишига сабаб бўлиши;

Ўзбекистонда умумий ўрта таълим бепул эканлигини ҳисобга олган ҳолда, давлат томонидан 18 ёшга қадар бепул таълим олган ҳамда тиббий хизматдан фойдаланган иқтисодий фаол аҳоли қатламининг чиқиб кетиши юз бериши;

хорижда меҳнат қилиб, кейинчалик ўз ватанига қайтаётганлар эвазига ўзбек тилига ва ҳаёт тарзига янги анъана ҳамда ёт ғоялар кириб келишига сабаб бўлиши;

мамлакатда янги ижтимоий қатлам – хорижда вақтинчалик меҳнат қилувчилар қатламининг ривожланишига сабаб бўлаётганлиги.

Шунингдек, диссертация матнида меҳнат миграциясининг мамлакатимиз учун ижобий жиҳатларига ҳам тўхталиб ўтилган. Жумладан:

меҳнат мигрантларининг хориждан юбораётган пуллари эвазига мамлакат савдо балансида ижобий кўрсаткичлар юзага келаётганлиги;

хорижга бориб, вақтинчалик меҳнат миграциясини амалга оширган фуқаролар ватанларига янги ғоялар, технология ва касбларни ўзлаштириб келаётганлиги;

қонуний мигрант мақомига эга бўлганлар мамлакат бюджетига ҳам солиқлар орқали ўз ҳиссасини қўшаётганлиги;

ишчи кучи ортиқ даражада юз бераётган бир даврда меҳнат мигрантларининг ушбу жараёнга ижобий таъсир кўрсатаётганлиги.

Диссертациянинг «**Ўзбекистонда ишчи кучи миграциясини тартибга солишнинг йўналишлари**» номли учинчи бобида ишчи кучи миграциясини тартибга солишда давлат сиёсатининг амалга оширилиши ва унинг асосий кўринишлари, Ўзбекистонда ишчи кучи миграцияси жараёнларини тартибга солишдаги муаммолар, Ўзбекистонда ишчи кучи миграцияси ҳамда миграция таъсирига тушиб қолган болалар билан ишлаш жараёнларини тартибга солишни такомиллаштириш истикболлари социологик тадқиқот орқали ўрганилган.

Социологик тадқиқот диссертация мавзусининг амалий қисми бўлиб, унда 2 та социологик тадқиқот ўтказилди.


Биринчи тадқиқот шакли анкетали сўровнома усули бўлиб, бу иш доирасида 2020 йил август-ноябрь ойларида ўтказилган социологик тадқиқотда Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида «Ўзбекистонда ишчи кучи миграциясига ижтимоий омиллар таъсири», социологик сўров натижалари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви Академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти, тизимли тадқиқотлар лойиҳасида амалга оширилди.

Иккинчи тадқиқот контент таҳлил асосида ўтказилиб, уни биз 2019-2020 йиллар давомида очиқ манбалардан олинган маълумотларни таҳлил қилиш йўли билан амалга оширдик. Ўрганишлар давомида 20дан ортиқ расмий манбалардаги маълумотлардан фойдаланилди. Ўтказилган контент таҳлил натижасида олинган маълумотлар диссертация ишининг барча бобларида фойдаланилди.

Мазкур тадқиқотда 1024 киши иштирок этди, улардан 62 % эркак ва 38 % аёл. Респондентларнинг аксариятини 31 ёшдан 40 ёшгача (42 %), ўрта махсус (47 %) ва ўрта маълумотга (31 %) эга бўлганлар ташкил этди. Шу билан бирга, олий маълумотли респондентларнинг улуши 18 % (бакалавр даражасини тугатган 15 %, 3 % – магистратура)ни ташкил этган.

Тадқиқот иштирокчилари орасида кўпчилик бир йилдан камроқ (28 %) ва бир йилдан уч йилгача (31 %) даромад олиш учун хорижга чиққанлари маълум бўлади. Шу билан бирга, уч йилдан беш йилгача хорижда бўлганлар – 18 %ни ташкил қилган бўлса, беш йилдан ўн йилгача хорижда бўлган миқдори – 3%ни ташкил этди. Ҳозирда ҳам хорижда ишлаётган ва пандемия сабабли эълон қилинган карантин натижасида вақтинча ватанига қайтиб келганлар улуши 18 %ни ташкил этди.

Тадқиқот натижаларига кўра, ватандошларимиз орасида энг кўп чиқиладиган давлат сифатида Россия Федерацияси (57 %) қайд этилмоқда (1-расм).



1-расм. Мехнат мигрантларининг хорижий давлатларга чиқиш кўрсаткичи


Бошқа – Хитой, Канада, Украина.*

Бевосита кузатувлар доирасида, масалан, Фарғона вилоятининг бир қатор қишлоқлари мигрантларнинг қишлоқ жойларда меҳнат даромадига кетишининг таъсири даражаси ўрганилди. Масалан, маҳалла аҳолисининг фикрига кўра, қишлоқларда эркаклар сони сезиларли даражада камайиб бормоқда, қишлоқларда 15 ёшдан катта бўлмаган ёшлар ва аёллар миқдори кўпчилиқни ташкил қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, меҳнат мигрантларининг аксарияти бошқа мамлакатга кўчиб, Ўзбекистонни тарк этиш ниятида эмас. Шундай қилиб, иш берувчи мамлакат фуқаролигини қабул қилармидингиз деб берилган саволга 60 % респондент қабул қилмаслигини ва бу вақтинчалиқ иш жойи эканлигини қайд этишган. Шу билан бирга, 12 % респондент уларга тақдим этилиши мумкин бўлган имтиёзлар ҳақида фикр билдирдилар. 11 % иккиланмасдан, бундай таклифни қабул қиламан, шунингдек, оила аъзоларим ҳам ушбу мамлакатнинг фуқаролигини олишига ҳаракат қиламан, деб жавоб қайтаришган ва 3 % ўзлари ишлаб турган мамлакатнинг ривожланиш даражаси юқори эканлигини қайд этишган бўлишса, 14 % сўров иштирокчилари мазкур саволга жавоб беришмаган.

Ҳозирги кунгача хорижга ноқонуний чиқиш ҳолатлари юқорилигича қолмоқда (51 %). Шу билан бирга 45 % мигрантлар бориб ишлайдиган давлатларда (Россия, Қозоғистон, Украина) ўз ҳужжатларини коррупцион йўллар билан расмийлаштирмоқдалар.

Ўзбекистон фуқаролари учун хорижда ишлашнинг асосий муаммоси сифатида кам миқдорда иш ҳақи 57 %, муносиб турмуш тарзига эришиш 24 %, ўзлари истиқомат қилаётган худудда иш ўринларининг етишмаслиги 22,5 % ҳамда ўз мутахассислиги бўйича иш топа олмаслик каби муаммолар турибди.



2-расм. Меҳнат мигрантларининг хорижий давлатларга ишлаш учун кетишининг асосий сабаблари

Ўтказилаётган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистон фуқаролари учун чет элда иш топишнинг асосий сабаби иш ҳақи пастлиги (56 %), муносиб яшаш истаги (26 %), респондентларнинг яшаш жойларида иш ўринларининг етишмаслиги (23 %) ва мутахассислик бўйича иш топиш қийинлиги (21 %). Бу рақамлар шуни кўрсатадики, аҳоли бандлигини

